

Тасдиқлайман



"Urganch xalqaro aeroporti" MCHJ
директорини биринчи ўринбосари
Агабуллаев Р.А.

2022й

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун
ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Танловхужжатларинингмазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: “Urganch xalqaro aeroporti” МЧЖ Товар ишлаб чиқариш хизматига, озиқ-овқат (Мол гўшти) сотиб олиш учун.

1.2. Танлов қиймати 104 000 000 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Хизматлар бўйича Техник топширик танлов хужатларининг техник қисмда илова қилинган. Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб жорий йил якунигача.

1.5. Ишларни бошлаш муддати аванс маблағи ўтгазилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Urganch xalqaro aeroporti” МСНЖ (бундан кейин - “Буюртмачи” деб аталади) танлов ташкилотчиси ҳисобланади. “Буюртмачи” манзили: Хоразм вилояти Урганч тумани Чаккашоликор қишлоғи Уч кўприк маҳалласида жойлашган [E-mayl info. Uzg @uzairports.co](mailto:info.uzg@uzairports.co), WWW.uzbairports.uz.

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловла ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссия томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган Муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади: танлов предмети қийматининг камида 20% миқдоридаги айланма маблағларининг ёки курсатиб утилган маблағларни беришга банкка долатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала Хуқуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; Уз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; Танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган ҳажми (50%дан кам бўлмаган ҳолда); Низом маблағи миқдори.

3.2. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолияти қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.3. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик қелишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молилий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШУЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМЭТИШ.

4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон куринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштириши лозим,

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кура узбек ёки рустилида такдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида куйидагилар такдим этилишилозим:

- Техник кисм, “Буюртмачи” томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак;

- Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошка боглик курсаткичлар курсатилган булиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдикланган холда ёки хар бир ва рангли мухрлаб тасдикланган холда такдим этишлари лозим.

4.4. Куйидаги хужжатлар тулик булиши талаб этилади:

Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар:

Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ухшаш хужжатлар руйхати илова килинади);

4.5. Танлов иштирокчиси факат битта таклиф бериши мумкин; такдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тулик жавобгар булади; таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтари олиш ёки узгартириш киритиш хукукига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни кабул килиш муддатини барча иштирокчилар учун таълукли холда эълон килинган муддатдан яна 5-календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши карори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тугрисидаги карор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим,

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тугрисидаги конун талабларини бузган шахслар конунчилигида белгиланган тартибда жавобгар буладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор булиши буйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатлар хакикийлиги ва тугрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШКА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишии, хизматни) узгартиришга йул қуйилмайди, Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат узгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган бўлса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга Узгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларининг мазмуни мохиятини узгартирмаслиги керак.

7.3 Таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кучирма имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танловни натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тугрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов ҳужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади.

ТИЧХ бошлиғи



Балтаев О.С.